

# **Илмонийя ва унинг аччик самаралари**

﴿العلمانية وثمارها الخبيثة﴾

[Ўзбек – Uzbek - أوزبکي]

**Муҳаммад Шокир Шариф**

2009 - 1430

**islamhouse**.com

# ﴿العلمانية وثمارها الخبيثة﴾

«باللغة الأوزبكية»

محمد بن شاكر الشريف

2009 - 1430

Islamhouse<sup>.com</sup>

# Ислом нури

Мухаммад Шокир аш-Шариф

## Илмонийя ва унинг аччик самаралари

Шайх Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ал-Жибрин мукаддимаси

Абу Жаъфар ал-Бухорий таржимаси

---

### Бисмилахир роҳманир роҳим

Барча оламлар роббиси, Ер ва Осмонларни тутиб тургувчи, барча маҳлуклар ишини режалаштирувчи Аллоҳ таъолога ҳамдлар бўлсин! Мен шериксиз, ягона, хакикий Молик- Аллоҳ таъолодан ўзга илоҳ йўқ ҳамда Мухаммад унинг бандаси, омонатли ва ростгўй пайғамбари деб гувоҳлик бераман. Аллоҳ таъоло унга, унинг оиласи ва асхобларига салавот ва саломлар йўлласин!

Сўнг...

Ушбу мавзу кейинги даврларда чиккан ва Ислом давлатларининг кўпларига ўрнашиб олган бир тоифа ва гурух хакида баъзи олимлар ёзган даолзарб мавзудир. Бу тоифа-Ислом умматига бало ва офат бўлган , бирок, ўз максадларини яширасда, Ислом дини ва таълимотларига нисбатан бўлган гина-адоватларини сездирган, шаръий жазолар, муомалалар ва ибодатлардан нафратланган, максадлари жирканч шахвоний манфаатлар бўлган, динни давлатдан ажратишга интилган, динни маҳкам ушлаган кишиларни колоклик, тургунлик ва тубанлик билан айблаётган «илмонийлар»дир. Шубҳасиз, бу тоифанинг Ислом умматига бўлган хатари, илк даврлардаги мунофилар ва бошка адашган гурухларнинг хатаридан кўра хатарлирокдир.

Аллоҳ таъоло муаллифга тавғик берсин! Чунки, у бу тоифанинг максадларини ва катта хатарларини очиб ташлади.

Мусулмон нажот йўлида юриши учун бу тоифадан эҳтиёт бўлиши, ўз душманини таниши ҳамда улардан ўзи ва дўстларини узок килиши лозим...

Аллоҳ таъоло тўғри йўлга хидоятловчи ва муваффак килгучи зотдир...

Аллоҳ таъоло пайғамбаримизга, унинг оиласи ва асхобларига салавот ва саломлар йўлласин!

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Жибрин

Мукаддима

Аллох таъолога хамдлар, Аллохнинг элчиси Мухаммадга Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин!

Сўнг...

Бизнинг Ислом уммати, бугунги кунда, ўзининг энг коронгу кунларини яшаб ўтмокда. Чунки, у заиф ва хорлик холатига тушди. Унга яхудий, насроний ва бутпараст каби баҳтикаролар хукмрон бўлдилар. Бунинг сабаби эса Аллох таъоло бизлар учун хидоят, тўгрилик ва зулматлардан нурга чикиш килиб юборган динни лозим тутишдан узок бўлишдир.

Илк даврларда диндан узок бўлиш, мусулмонларнинг бир тоифасигагина чекланган бўлса, аста-аста ёйилиб, умматнинг кўп кисмига етиб борди. Илмонийликнинг расмий, фикрий ва матбуот даражасида ёйилишининг, диндан узоклашишни кучайтириш, ўрнатиш хамда хидоят ва такво манбаларига яна кайтадан кайтиш олдида тўсик бўлишда катта таъсири бўлди.

Шунинг учун хам ушбу **«Илмонийя ва (мусулмон давлатларидағи) унинг аччик самаралари»** номли муҳтасар рисолани ёздиқ. Шояд ушбу рисола мусулмонларга илмоний даъват моҳияти, манбалари, унинг динимизга бўлган хатари ва ҳалокатли таъсирларини билиб олишларида ўз самараларини берса ва биз ўзимизни химоя килиш, каршилик кўрсатиш, илмоний даъватчиларнинг хатоларини очиб ташласа ва илмонийликни Аллох таълононинг изни билан, бутунлай илдизи билан курутишга шошилсак хамда ўз динимизга том маънода кайтсак ва бизга том маънодаги иззат кайтса.

### **Илмонийянинг кўринишлари**

Илмонийянинг икки кўриниши бўлиб, уларнинг хар иккиси бир-биридан кабиҳдир:

**Биринчи кўриниш:** Даҳрий (худосиз) илмонийя. У динни ва Яратувчи Холик - Аллох таълони бутунлай инкор этади ва буларнинг бирортасини эътироф килмайди, аксинча, Аллох таълононинг бор эканлигига даъват килган кишига карши жанг эълон килади. Фиску фужур ва кофириллиги билан шармсизларча магурланган илмонийянинг бу тури мусулмонлар-нинг ичida кўп ёйилмади, алхамдуиллаҳ.. уни, факат диндан чикишни хоҳлаган кишиларгина кабул килдилар. Гарчи, динга карши кураш, мўминларга душманларча муносабатда бўлиш ва уларга кийнок, камок ва катл билан озор бериш сингари катта хатари бўлсада, мусулмонлар оммасини чалгитиш учун бўлган илмонийянинг бу турининг хатари ўта заифдир.

**Иккинчи кўриниш:** Даҳрий бўлмаган илм

**Илмонийларнинг динни мусулмонлар қалбида бузиш ва сохталашибтириш учун кўллаган воситалари**

Илмонийларнинг мусулмонлар калбида динни бузиш учун турли воситалари бор. Шулардан:

- 1) Калби заиф ва иймони бекарор бўлган айрим кимсаларни, одамларга илмоний гояларни етказишлари учун, бойлик, мансаб ва аёллар билан фитналантириш. Аввало, илмонийлар хукмрон бўлган оммавий ахборот воситаларида, бу шахслар хакида ёппасига маълумотлар берилади. Сўзлари кўп одамларга макбул бўлиши учун, уларни олимлар, муфаккирлар ва катта тажриба эгалари деб таништирилади. Илмонийлар бу билан кўп одамларни чалгитишига кодир бўладилар.
- 2) Баъзи одамларни гарб мамлакатларида, илмоний мактабларда тарбия килиш ва уларга «фан доктори» ёки «профессор» каби илмий унвонларни бериш. **Улар ўз юргалига кайтгандаридан сўнг, дорулфунунларда устозлик киладилар ва зиёлилар ўртасида динни соҳталаштириш ва булгаш билан шугулланадилар.** Биз келажакда давлат ишлари дорулфунун ва олийгохларни битириб чиккан кимсалар кўлига ўтишини билсак, дорулфунун ва олийгохларда илмонийларнинг борлиги накадар фасодга сабаб бўлишини англашетамиз.
- 3) Динни парчалаш, баъзи жузъий масалалар хакида гап-сўз ва ёзувларни кўпайтириш, одамларни бу нарсалар билан чалгитиши хамда уламолар, талабалар ва даъватчиларни етакчилик ва ўта мухим бўлган масалалардан чалгитиши учун турли хаёлий муаммолар хакида бахслар юритиши.
- 4) Уламолар, талабалар ва Аллоҳ йўлига даъват килувчи даъватчиларни, одамлар эшитмаслиги ва сўзларига ишонмаслиги учун, оммавий ахборотнинг кўриладиган, эшитиладиган ва ўқиладиган воситаларида хулкий бузук, бойлик, мансаб ва аёлларга харис инсонлар шаклида тасвирлаш. Бу билан илмонийлар, ўз даъволарини ёйишлари учун майдон бўшатиб олишни хохлайдилар.
- 5) Уламолар ўртасида ихтилофли бўлган масалалар хакида гап-сўзни кўпайтириш ва бу ишни энг буюк ишлардан деб халкка кўрсатиш. Токи, одамлар диннинг барча жихатлари бир-бирига зид, хатто уламолар ўртасида хам иттифок йўқ, агар динда зиддият бўлмаса эди, бу ихтилофлар бўлмас эди, деб ўйласинлар. Илмонийлар диндан буриш учун мусулмонлар калбида бу масаланинг таъсирини кучайтириш учун бор имкониятларини сарф этадилар.
- 6) Ажнабий мактаб, дорулфунун ва маданият марказларини очиш. Аслида, бу мактаб, дорулфунун ва маданият марказлари шу муассасаларни очган илмоний давлатларнинг кўрсатмаларига бўйсунади. Зеро бу давлатлар мусулмоннинг ўз динига бўлган муносабатларини мумкин кадар заифлаштиришига, шу пайтнинг ўзида, кенг кўламда, хусусан, ижтимоий, фалсафий ва руҳиятшунослик дарсларида, илмоний фикрни ёйиш учун харакат килади.
- 7) Шариатнинг баъзи асосларига шариат коидалари билан суюниш. Суюнгандан хам ўринсиз пайтда, бу коидаларни риоя килмай суюниш ва бу суюниш мобайнода илмоний фикрнинг барчасини ёки кўп кисмини ривожлантириш учун харакат килиш.

Масалан: умумий манфаатлар коидаси. Илмонийлар бу коидани нотўгри тушунадилар ва уни ўринсиз ерда ишлатадилар хамда ўзлари ёқтирамаган Ислом конунларини рад этиш ва мусулмонлар диёрида илмонийяни ёйиш ва мустахкамлаш учун хужжат киладилар.

Шунингдек, илмонийлар : «икки зарарнинг енгилрогини килинади», «заруратлар харом нарсаларни халол килади», «фасодларни даф килиш

манфаатларни жалб килишдан мукаддамдир», «Ислом барча замонлар учун салохиятлидир», «фатволар ахволларга караб турлича бўлади» каби коидаларни, Ислом динини бошка динлар ва миллатлар ичига уйгунлаштириш хамда мусулмонлар калбida заифлаштириш учун васила килиб оладилар.

Бундан ташкари, улар бу коидаларни, кўплаб одамлар билмаган бир пайтда, кофиirlар диёрида хукмрон бўлган иктисадий ва сиёсий тузумларни мусулмонлар диёрига олиб ўтиш учун кўприк килмоқдалар.

Менимча, бу услуб Ислом уламолари томонидан ижмоъ килинган коидаларга асослангани учун хам, одамларга шубха ва фитналарни ёйишда ўта хатарли ва зааралидир. Бу окимни содда ва муфассал суратда очиб ташлаш, унинг услубларини айри-айри баҳс килиш керак.

Биз шуни таъкидламокчимизки, илмонийларнинг бу коидаларни ушлашлари, шу коидалар келиб чиккан динга иймон келтирганликлари учун эмас, балки, ўзларининг гаразли максадларини рўёбга чиқариш учун курол килиб олганлар, холос.

## Мусулмонларнинг вазифалари

Бундай аянчли холатда яшаётган мусулмонларнинг килишлари керак бўлган мухим вазифа бор. У умматни Исломдан узокда парчалаб, йўкотиб ташламокчи бўлган аламли воеъни ўзгартишdir.

Бугун мусулмонлар бу максадни рўёбга чиқариш учун вактлари, бойликлари, фарзандлари ва жонларини курбон килишга мажбурдирлар. Уламолар, талабалар, даъватчилар, куч ва кудрат эгаларига эса бу вазифани ўташда, бошкалардан кўра кўпроқ мажбурият юкланди. Чунки, улар етакчи, бошкалар эса уларга тобеъдир.

Мусулмонлар бу аламли воеъликдан илм ва амал билангина чикишлари мумкин. Амалсиз илм воеъни ўзгарта олмаганидек, илмсиз амал тузалиши мумкин бўлган кўплаб нарсаларни бузиб ташлайди.

Мен илм дейишдан, кўплаб одамлар ўйлагани ва Ислом мезонининг энг юкори мартабасига кўйганидек, жузъий, фикхий масалалар ёки гўзал одоб ва одатлар илмини назарда тутмаяпман. Балки, мен «илм» сўзидан калбда содик ва соглом иймонни пайдо киладиган, Аллоҳ таъоло, Аллоҳ таълононинг расули ва динига бўлган мухаббатни бошка барча нарсалар устига афзал кўрадиган, хар канча мол ва жонни курбон килишни такозо килсада, Аллоҳ таълононинг дини ва шу динни Ер юзида ўрнатиш учун харакат килишга ундейдиган илмни назарда тутмокдаман. Бу эса Ислом динининг хакикатини тўғри билиш, исломнинг негизи бўлмиш тавхид хакикатига бўлган мукаммал ишонч, бундан ташкари, ислом умматига таҳдид солаётган хатарлар хамда унга карши кўз тутган душманлар ва режалаштирилган ботил даъватларни билиш ва дин душманларидан безор бўлиш хамда садокатли мўминлар учун дўст бўлиш демакдир.

Агар билиши ва англаши учун оддий мусулмонлар илм излаши, илм олишлари учун жиддий харакат килишлари ва билган одамлардан сўрашлари вожиб бўлса, каламкашлар –ёзувчи ва ноширлар мусулмонларни Исломга боғлайдиган, Исломнинг барча конун ва хукмларига Ислом тарозусидаги ўлчовига лойик бўлган меъёрни берадиган Ислом руҳидаги китобларни кўплаб нашр килишлари вожиброкдир. Ёзувчи ва ноширлар бу ишга, хусусан Ислом уммати босиб ўтаётган бу огир лахзаларда, тезлик билан киришишлари керак.

Улар авом халк ёки бошқаларнинг истакларини кондираман деб, Ислом динининг бир кирраси хакида қўплаб нашрлар чикариб, Ислом мезонида ахамиятлирок ва заруррок бўлган бошка кирраларга эътиборсиз карашлари дуруст эмасдир. Шу муносабат билан биз бошқалар килган хатоларни килишни хоҳламаймиз. Яъни, биз Ислом мезонида кичик бўлган тарафни катта тараф хисобига, эътиборсиз кўймокчи эмасмиз. Балки, биз нашр ишлари Ислом тарозусидаги ўз оғирлиги ва макомига караб, турли кирралар хакида ўзаро мутаносиб бўлишига даъват этамиз. Кутубхоналарнинг жинлар, сехр, такво, зоҳидлик, зикрлар, фазилатли амаллар, жузъий фикхий масалалар ва шу каби мавзулар хакидаги китоблар билан тўлик бўлиши етарли эмасдир<sup>(1[1])</sup>. Зеро, биз қўплаб кутуб-хоналарнинг ўта мухим мавзуларни оммабоп, енгил ва кулаг ёритиб берган китоблардан холи эканини кўрмокдамиз. Масалан, куйидаги мавзулар хакидаги китоблар:

- Исломдаги сиёсий фикх хукмлари ёки эски табири билан айтсан: «Султоний хукмлар»;
- Мусулмонлар диёрида ёйилган илмонийя, демократия, миллатчилик ва социализм каби қўплаб динларни, куфр эътиқодига асосланган ал-Баъс партияси, миллӣ партиялар ва бошка оқимларни баҳс килиш;
- Жиход хакидаги китоблар. Мен жиходнинг фарзлиги ёки унинг киёмат кунига кадар давом этишинигина касд килмокчи эмасман. Балки, шу билан бирга, социализм, илмонийя, миллтчилик, демократия ва бундан бошка оқимларни кабул килган ва даъват этган хамда одамларни буни кабул килишларига мажбур килган салтанат сохиблари ва хокимлар ичидаги муртадларга карши жиход килиш мавзусини касд килмокчиман;
- Йўқотилган халифликни кайтариш учун килиниши керак бўлган амаллар ва бошка шу каби мусулмонлар хаётида ўта мухим бўлган мавзулар хакидаги китоблар.

Агар инсон бу мавзулар билан бошка мавзулар хакида ёзилган хамда бозорларда чаккон бўлган китобларни таккослаб кўрса, ўртадаги катта фаркни яққол сезиб олади.

Гоҳо, ёзувчи ва ноширлар: «одамлар бу мавзулар хакида ёзилган китобларни ўқимай кўйдилар» – деб нолийдилар. Биз уларга шундай деймиз: «Ахир шухрат козонишни хоҳлаган ёзувчилар одамларнинг хоҳишлирига карамайдилар-ку! Агар сизлар айтганингиздек, одамлар бу мавзуларни ўқимай кўйган бўлсалар, бунда сизларнинг хам хиссангиз бордир. Чунки, сизлар уларни бу холатга тушурдингиз ва уларга масаланинг ахамиятини лойик бўлганидек кўрсатмадингиз хамда бир томонга кўп эътибор бериб, бошк томонга озрок эътибор бердингиз».

Хакикатан хам, ишнинг бу холатда давом этиши, одамларнинг тасаввуридаги Исломни ибодат, одоб ва одатлар шаклида чекланиб колишига олиб боради. Дарҳакикат, Ислом кўпчиликнинг тасаввурода намоз ўкиш, рўза тутишга, баъзиларда зикрлар мажмуасига, баъзиларда гўзал хулка, баъзиларда кўриниш ва кийинишга, баъзиларда эса жузъий фикхий ёки ижтимоий ечимлар илмига чекланиб колди. Шунинг учун хам сиз Ислом динининг шомиллиги, Аллоҳ таълононинг тавхиди ва охират кунига бўлган иймондан келиб чиккан мухим мавзулар: Аллоҳ таъоло индирган таълимотлар билан хукм килиш ва Ислом давлати хамда халифликни кайта тиклашнинг фарз экани; илмонийя, демократия ва бошка куфрий оқимларнинг ботил эканини баён килиш ва шу каби мавзулар хакида сўз очсангиз, улар сизни Исломдан бошка дин хакида сўзлаяпти деб ўйлайдилар ва: «Бу сиёсат. Динни сиёсатга аралаштирманг!»

дейдилар.

Бундай одамларга бериладиган ўгитлар жума хутбалари, дарслар, масжидлардаги илм халка(доира)лари хамда кичик ва енгил китобчалар шаклида бўлса, ундай нотўгри сўзлар келиб чикмайди.

**Биз ёзувчи ва ноширларнинг вазифаси, илмонийларга дин доирасини кичрайтириш ва динни хаёт майдонидан узоклаштириш йўлида олиб бораётган максадларини рўёбга чиқаришларида ёрдамчи бўлмай, китобхонларнинг рагбати ва бозорнинг савиясига караб Ислом динини сохталаштириш ёки бирон бир тарафига чекланиб, бошка тарафларини нуксонли кўрсатиб бермаслигимиз керак.**

Баъзи ёзувчи ва ноширлар: «биз бу мавзуларда ёза олмаймиз. Чунки, бу катта мавзу бўлиб, катта билимга муҳтождир. Бу билим эса бизда йўқдир. Бу мавзуда хатога йўл кўйишнинг оқибатлари ёмон бўлади» –деб айтадилар.

Мен уларнинг сўзларига бу жихатдангина кўшиламан: бугунги кундаги ёзувчиларнинг кўпи бу мавзулар хакида ёзишликка нолойикдир. Бунинг сабаби, улар ё бу мавзуни тушунмайдилар ва ё тушунчалари коникарли эмас. **Агар шундай экан, хурматли олимлар ва буюк шайхлар каерда? Бу муаммоларни очиб бериш уларнинг вазифаси бўлмаса, мусулмонлар бошига тушган аламли воеъликни ўзгартириш учун уларнинг вазифаси нима!?**

Илм ва илмни ёйиш хакида сўз кетар экан, бошлангич таълим мактаблари ва олийгоҳлардаги муаллим ва устозларнинг вазифалари куйидаги нарсаларда намоён бўлади;

**1) Илмий изланишлар факатгина илмий изланиш максадида бўлмай, Ислом хизматида бўлиши учун барча илмий дастурларни согломлаштириш учун харакат.** Бунинг сабаби шуки, динимиз Аллоҳ таъоло тарафидан юборилган бўлиб, унинг чор кирраси хакикатдир. Илмий кашфиётлар эса Аллоҳ таъолонинг маҳлуклариридир. Демак, фан ва дин ўртасида қарама-каршилик йўқ. бундан ташкири, илмий хакикатларнинг аксарини иймон майдонида, илмий конуниятларнинг аксарини эса дахрийлар суюниб, иймон келтираётган тажрибий-дахрий илм назариясини бекор килиш ёки рад этишда далил килиб ишлатиш мумкин. Шунинг учун хам, ўкувчи ва талабалар учун тузилган таълим-тарбия дастурларида бу нарсалар назарда тутилиши, баъзи ишоралар билан эмас, балки, очик-ойдин баён килиниши керак. Бу таълим-тарбия дастурларини тузабётган кишиларнинг вазифасидир.

**2) Илмий дарсликларни куфр ва залолатдан тозалаш.** Баъзи дарсликларни динни билмаган кишилар ёзган. Мусулмон муаллим бу дарсликлардан дарс берар экан, хатоларни тўғрилаши ва ўкувчиларга залолатларни очиб, хакикатни кўрсатиши керак. Муаллим **дарслик муаллими** бўлиб колмаслиги, балки, бу фанларни Исломга боғлаши, «кирлик» лардан тозалаши ва шу пайтнинг ўзида, зиёли муаллим бўлиши билан бирга даъватчи, муршид ва воъиз бўлиши керак.

**3) Муаллим Ислом тушунчаларини изохлаш, ёки ақидасини исботлаш, ёки мусулмонлар муаммоларини баён килиш, ёки Ислом одобларини ўргатиш учун имкониятида бўлган барча фурсатни ганимат билиши керак.**

Табиийки, муаллимлар Аллоҳ таъоло юклаган бу вазифани адо этиш учун изланишлари хамда илмий ва шаръий билим савиялрини оширишлари керак.

## **ХОТИМА**

Бу киска бахсдан сўнг, илмдан кейинги амалга ўтамиз. Биз амал деганда фойдаси харакат килган кишининг ўзигагина келадиган амални эмас (гарчи бу хам зарур), балки, фойдаси шу харакатни килган киши билан бирга, бутун Ислом умматига келадиган амални назарда тутмокдамиз.

**Биз хакикатга эътиқод қўймогимиз ва у билан аввало ўзимиз ва дўстларимиз амал килиб, сўнгра бошқа одамларни унга чакиришимиз: уларга Ислом хакикатлари, бизга карши ташкаридан ва ичимиизда харакат килаётган душманларимиз ва Ислом уммати яшаётган оғир мусибатлар хажмини тушунтириши-миз керак.** Бу вазифани адо этишда одамлар тарафидан бўлган нафрат, адоват, илмонийя малайлари бўлмиш хокимлар тарафидан бўлган тазиик ва курашлар бизларни тўсиб қўймаслиги керак.

Демак, Ислом динига Ислом дини учун амал килиш, Аллоҳ таъоло ва Ресулulloҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам яхши кўрган эътиқод, амал ва сўзлар асосида одамларни бирлаштириш, Аллоҳ йўлида жиход килиш хамда фитна бўлмаслиги ва диннинг барчаси Аллоҳники бўлиши учун Аллоҳ ва унинг расулига душман бўлган кишиларга карши кураш эълон килиш керак!

Мен бу билан мусулмонлар зиммасидаги барча масъулиятлар хакида гапирдим деб хисобламайман. Балки, бу ўзимиз ва барча мусулмонлар учун эслатма бўлишига кифоядир. Шояд Аллоҳ таъоло бу билан бизга фойда берса... илоҳим дуоларимизни кабул эт! Омин!

1-рабиул-аввал, хижрий 1411-йил, якшанба.

Хамдлар аввалдаю охирда Аллоҳ таъолога хосдир.



---

(1) Биз бирон бир кимсани Ислом хукми ўз ичига олган хар бир нарсани, гарчи кичик бўлсада, масалан: «хожат» холатини енгил санашга даъват этмокчи эмасмиз. Биз факатгина хар бир нарсага Исломдаги меъёр билан карашга даъват этмокчимиз холос. Зоро, бизнинг эслатиб ўтган бу йўл шарий матнлар хакидаги тўъри тушунчадан келиб чиккан уламолар йўлидир.